# Данғара туманида 2024-йил хосили учун кузги шудгорлаш ишларини тизимли ўтказиш мақсадида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Данғара туманида 2024-йил  хосили учун  кузги шудгорлаш  ишларини тизимли ўтказиш мақсадида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.
Семинарда вилоят ҳокими Хайрулло Бозаров, вилоят ҳамда туман секторлар раҳбарлари қишлоқ хўжалиги ходимлари ва фермер хўжалиги раҳбарлари иштирок этди.
Семинар аввалида вилоят раҳбари марказий трактор паркида бўлиб, шўрланган майдонларда амалга ошириладиган агротехник тадбирларда қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги техникаларнинг созлик ҳолати билан танишиб ўтди.
Мулкобод ММТп худудида жойлашган  “Овил тонги” фермер хўжалигида бўлиб ўтган семинрда кузги-қишги агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширилиши, шўр ювишга ер тайёрлаш, пол олиш ва сув очиш тартиблари , бошоқли дон экин парвариши ҳамда дала маданиятини шакллантириш юзасидан тавсиялар бериб ўтилди.

2023-11-02 17:28:30